

## “Йўлқурилиш” АЖнинг 2026 йил I чорак бўйича

### ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 декабрдаги ПФ–5890-сон Фармони ҳамда “Йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ–4545-сон қарорига асосан “Йўлқурилиш” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) ташкил этилиб, 2020 йил 22 сентябрь куни акциядорлик жамият сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Жамиятнинг асосий фаолияти таркибидаги корхоналар томонидан автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш ҳисобланади.

Бугунги кун ҳолатига Жамиятда 28 нафар ҳамда таркибидаги корхоналарида 1 300 дан ортиқ ходимлар фаолият юритмоқда.

Жамият таркибидаги корхоналар ва буюртмачилар ўртасида 2026 йил январь-март ойларида жами 32 та объект бўйича 359,1 млрд сўмлик пудрат шартномалари имзоланган бўлиб, амалда 64,0 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Шундан қуриш ва қайта қуриш объектларидан 35,7 млрд сўмлик, тўла таъмирлаш объектларидан 1,4 млрд сўмлик, жорий таъмирлаш объектларидан 12,8 млрд сўмлик ва хизмат кўрсатишдан 14,1 млрд сўмлик ишлар бажарилган. 2026 йилда Хоразм вилоятида қурилаётган Янги йўналишдаги “Урганч-Хива” пуллик автомобиль йўлининг 0-35 км қисмини қуришда жамият таркибидаги “Фарғона йўл қуриш-таъмирлаш” МЧЖ, “Газли йўл қуриш-таъмирлаш” МЧЖ, “Китоб йўл қуриш-таъмирлаш” МЧЖ ва “Тахиатощ йўллардан мунтазам фойдаланиш” МЧЖ ўз хиссасини қўшмоқда. Бундан ташқари Фарғона вилоятида Фарғона халқаро аэропорти объектида ҳаво кемалари тураргоҳини қайта қуриш ишларни жамият таркибидаги “Фарғона йўл қуриш-таъмирлаш” МЧЖ амалга оширмоқда.

Бугунги кунда автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш объектларини тендер ва танлов савдолари орқали олиш амалга оширилаётганлиги сабабли, корхоналарни рейтинг кўрсаткичларини ҳамда тендерларда ютиб олиш имкониятини ошириш бўйича кўрилган чораларга асосан республикадаги автомобиль йўллари кўприклар ва йўл ўтказгичларини қуриш таъмирлаш соҳасида корхоналаримиз ижобий рейтинг кўрсаткичларига эга бўлди.

Корхоналар томонидан 2026 йил 1 чорак давомида давомида буюртмачи ташкилотлар томонидан ташкил этилган тендер савдоларида фаол иштирок этиб, 49,9 млрд сўмлик йўл ишлари объектлари ютиб олинган.

Жамиятнинг 2026 йил бизнес-режасига кўра, жамиятни сақлаш харажатлари учун таркибидаги корхоналардан ажратма ва дивиденд кўринишида 1,16 млрд сўм жами даромад олинган шунингдек, 2026 йил I чорак якунига билан, 19,03 млн сўм соф фойда олинган.

Жамиятнинг 2026 йил 1 чорак якуни бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (KPI) режаси 100,0%га бажарилди.

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш ва "комплаенс" назорати жорий этилган, "Йўлқурилиш" акциядорлик жамиятида бюрократия ва қоғозбозликни қисқартириш, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмларини бартараф этиш йўналишида ишлар жадал равишда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги "Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-154-сон Фармони 9-бандида 2022 йил 1 июлдан бошлаб Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар расмий веб сайтнинг бош саҳифасида алоҳида бўлимга жойлаштирилиши кераклиги, мазкур маълумотлар расмий веб-сайтнинг бошқа саҳифасига (веб-манзилга) жойлаштирилиши белгиланган. Мазкур фармонга асосан, жамиятнинг расмий веб-сайти <http://yulqurilish.uz/uz/>, шунингдек <https://mf.ijro.uz> ҳамда <https://data.egov.uz/сайтларида> жойлаштирилган маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ҳар йил якунларига кўра Очиқлик индекси баҳоланиб борилади 2023-2024 йиллар якунлари баҳоланишига кўра жамият қизил тоифа берилган бўлса, Агентликнинг 2026 йил 14 апрелдаги 03-18/3428-сонли хати билан 2025 йил учун Очиқлик индекси баҳолаш натижаларига кўра жамият ижобий яшил тоифа берилиб, жами 97 та давлат органлари ва ташкилотлари орасида 64-ўринни эгаллаб, 71,50 балл билан ўз кўрсаткичларини кескин кўтаришга эришгани эътироф қилинди.

Иқтисодиёт, Маркетинг ва истикбөлни  
белгилаш бошқармаси:



Ж.Бегалиев